

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ТУЙЧИБАЕВА НОДИРА МИРАТАЛИЕВНА

**ФАРМАКОРЕЗИСТЕНТ ТУТҚАНОҚ КЕЧИШИ,
ШАКЛЛАНИШИНИНГ КЛИНИК-НЕЙРОФИЗИОЛОГИК ВА
МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2020

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the doctoral (DSc) dissertation abstract

Туйчибаева Нодира Мираталиевна

Фармакорезистент тутқаноқ кечиши, шаклланишининг клиник-нейрофизиологик ва молекуляр-генетик жиҳатлари

4

Туйчибаева Нодира Мираталиевна

Клинико-нейрофизиологические и молекулярно-генетические аспекты формирования фармакорезистентного течения эпилепсии

29

Tuychibaeva Nodira Miratalievna

Clinical-neurophysiological and molecular-genetic aspects of pharmacoresistant course of epilepsy

55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

59

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ТУЙЧИБАЕВА НОДИРА МИРАТАЛИЕВНА

**ФАРМАКОРЕЗИСТЕНТ ТУТҚАНОҚ КЕЧИШИ,
ШАКЛЛАНИШИНИНГ КЛИНИК-НЕЙРОФИЗИОЛОГИК ВА
МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1. DSc/Tib85 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида www.tsdі.uz ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Раҳимбаева Гульнара Саттаровна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Аликулова Нигора Абдукадыровна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Чутко Леонид Семенович
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Мухамедов Рустам Султанович
Биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Н.И. Пирогов номидаги Россия миллий тиббий тадқиқот университети (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc 27.06.2017.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100007, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Паркент кўчаси 51 уй. Тел./факс: (+99871) 268–17–44, e-mail: info@tipme.uz).

Диссертация билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Паркент кўчаси 51 уй. Тел./факс: (+99871) 268–17–44.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ тарқатилди.

(2020 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.А. Акилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Убайдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.Г. Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Тутқаноқ – кенг тарқалган, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бош мия касаллиги бўлиб, узоқ вақт, 30-40% ҳолларда эса умрбод тутқаноққа қарши воситаларни қабул қилишни талаб қилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумоти бўйича, «дунё миқёсида 50 миллионга яқин одам тутқаноқ билан касалланган, бу глобал миқёсда энг кўп учрайдиган неврологик касалликлардан бири бўлиб, йилига ҳар 100000 кишига 16-51 янги ҳолат тўғри келади»¹. Дунё бўйлаб эпилептологияда сезиларли ютуқларга, тутқаноққа қарши дориларнинг фармацевтик хусусияти хилма-хиллигига қарамай, тутқаноқ билан касалланган беморнинг 20-35%да медикаментоз коррекцияга берилмайдиган эпилептик тутқаноқлар кузатилади; касалликни бу шакли фармакорезистент ҳисобланади ва паст турмуш тарзи, тўсатдан тушунтириб бўлмайдиган ўлимнинг юқори хавфи билан боғлиқ бўлади.

Дунёда тутқаноқ билан касалланган беморлар диагностикаси, уларни эрта аниқлаш ва даволаш тактикасига ёндашувнинг юқори самарадорлигига эришишга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада тутқаноқ тарқалишининг кўпайиш сабабларини асослаб беришга қаратилган чора-тадбирлар, тутқаноқнинг турли шакллари бўлган беморларни комплекс клиник-нейрофизиологик текшириш ва касаллик фармакорезистент кечувчи беморларни аниқлаш; тадқиқотларнинг янги усуллари асосланган ҳолда унинг прогностик биомаркерларини асослаш; даволашнинг фармакорезистентлигини аниқлаш; даъво терапиясига қониқарли ва қониқарсиз жавоб асосида ётувчи, генетик фарқларнинг ўрнини баҳолаш алоҳида аҳамиятга эга. Ҳар бир этник гуруҳда беморлар генотипини аниқлаш ва баҳолашда қўлланилаётган антиэпилептик воситаларнинг нојўя таъсирини прогноз қилиш ва тутқаноқ фармакотерапияси самарадорлигини ошириб беришга қаратилган даволаш тизимини яратиш кабилар ўзига хос аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини яхшилашга қаратилган кенг қамровли тадбирлар билан бир қаторда тутқаноқни даволаш самарадорлигини оширишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада «...аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалар белгиланган. Ўз ечимини кутаётган бирламчи вазифалар бўлиб, бугунги кунда тутқаноқ ва унинг

¹WHO Epilepsy Fact sheet. Updated February 2017. URL: <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs999/en/>.

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

фармакорезистент кечишини прогностик биомаркерларини ўрганиш хисобланади. Тутқаноқнинг оғир шаклларини эрта диагностикаси ва терапиянинг персонификацияси, замонавий технологияларни кенг қўллаш орқали юқори малакали, сифатли тиббий хизматни кўрсатиш ҳаёт сифатини, ижтимоий ҳаётга бўлган реабилитацияни ортиш имкониятини беради, ногиронликни камайишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини келгусида ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси» тўғрисидаги ПФ-4947-сонли фармони, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги «Шошилиш тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3494-сонли Қарори, 2017 йил 20 июндаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни келгусида ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3071-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи³. Эпилепсияни, шу жумладан фармакорезистент шаклини ташхислаш ва даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: University of South Florida (АҚШ); University of Birmingham (Англия); University of Leeds (Буюк Британия); University Brno (Чехия), University Medical Center Utrecht (Голландия); University Georg Thieme Verlag KG Stuttgart, University of Saskatchewan (Канада); University Beijing (Хитой); Okayama University (Япония); Chongqing Medical University (Хитой); Umea University (Швеция); Radboud University Nijmegen (Голландия) Pediatric Neurology, University Hospital of Geneva (Швейцария); Department of Neurosurgery, Third Military Medical University (Хитой); Institute for Quality and Efficiency in Health Care (Германия); Россия миллий тиббий тадқиқот университети (Россия Федерацияси), РТФА Неврология илмий маркази

³Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: www.uwa.edu.au, www.en.sjtu.edu.cn, www.utoronto.ca, www.case.edu, www.en.uni.lu, www.iso.nbu.edu.cn, www.iums.ac.ir, www.asu.edu, <https://www.aans.org/>; <https://www.nsi.ru/>; <https://www.chop.edu/centers-programs/center-fetal-diagnosis-and-treatment>; <https://www.university-directory.eu/>; <https://www.gradschools.com/programs/neuroscience>; <http://www.unifesp.br>; <http://www.almazovcentre.ru>; <http://neuro.uz> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

(Россия Федерацияси); Белоруссия давлат тиббиёт университети (Белоруссия), Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон), Тошкент врачлар малакасини ошириш институти (Ўзбекистон), Она ва бола Республика скрининги (Ўзбекистон); Гематология ва қон қуйиш ИТИ (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Фармакорезистент тутқаноқ – бу кўп омилли жараён бўлиб, унинг маханизмлари етарли даражада ўрганилмаган бўлиб қолмоқда. (Georg Thieme Verlag KG, Stuttgart, Канада). Тутқаноқнинг турли шакллари бўлган беморларни комплекс клиник-нейрофизиологик текшириш ва касаллик фармакорезистент кечувчи беморларни аниқлаш, тадқиқотларнинг янги усулларига асосланган ҳолда унинг прогностик биомаркерларини аниқлаш, замонавий эпилептологиянинг устивор йўналишлари бўлиб ҳисобланади Third Military Medical University (Хитой); Pediatric Neurology, University Hospital of Geneva (Швейцария).

Охирги йилларда резистентликни юзага келиш эҳтимоллигини оширувчи кўпгина омиллар орасида генетик омиллар интенсив тадқиқотлар предмети бўлиб ҳисобланмоқда (Institute for Quality and Efficiency in Health Care, Германия; Department of Neurosurgery).

Охирги маълумотлар бўйича беморларнинг генетик вариациялари 50% ҳолларда дориларнинг самарасизлиги ёки дориларнинг ноўя реакцияларига таъсир кўрсатади (University of Birmingham (Англия); Okayama University (Япония)). Бугунги кунда фармокогенетика клиник фанларнинг ажралмас қисми бўлиб қолмоқда (National Institute of Neurological Disorders and Stroke Bethesda (АҚШ); University of South Florida (АҚШ)).

ЎзРССВ Гематология ва қон қуйиш ИТИ тиббий генетика лабораториясида турли доривор воситаларнинг фармакорезистентлигини аниқлаш бўйича юқори технологик молекулар-генетик текшириш усулларини жорий қилиш ва қўллаш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Тутқаноқли беморларни даволаш бўйича ўтказилган қатор илмий тадқиқотлар натижасида илмий натижалар олинган: тутқаноқли беморларда доимий мониторинг зарурати исботланган (University of South Florida, АҚШ); бош мия функцияларини башоратлаш тамойилларини баҳолаган ҳолда тутқаноқ маркерларининг информативлиги (Radboud University Nijmegen, Голландия); тутқаноқ патогенезида генетик омил аниқланди (University of Leeds, Буюк Британия); бош мия эпилептик зарарланишининг патогенетик гетероген концепцияси ишлаб чиқилди (РТФА акад. Н.Н. Бурденко номидаги нейрохирургия ИТИ, Россия).

Бугунги кунда дунёда тутқаноқли беморларни эрта ташхислаш ва даволаш самарадорлигини коррекциялаш бўйича қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: фармакорезистент тутқаноқни келиб чиқишига кўмаклашувчи муҳим омилларни аниқлаш; тутқаноқли беморларда уйқусини турли бузилишларини аҳамияти ва диагностик муҳимлигини аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тутқаноқ таърифида кўп ҳолларда номаълум бўлган “қайталаниш хавфи” мезони мавжуд. Иккита

хуруждан сўнг у 60-90% ни, эпилептиформ ўзгариши бўлган болаларда касалликнинг қайталаниш хавфи ЭЭГ да 56-71% ташкил қилади. Сўнгги хуруждан кейин вақт ўтиши билан хавф аста-секин камаяди (Шамансуров Ш.Ш., 2017, Заваденко Н.Н., 2016). Маълумки, эпилептик тутқаноқли беморларнинг 20-40% кейинчалик резистент тутқаноқли беморлар деб ҳисобланади ва беморларнинг атиги 60-80% да медикаментоз ремиссиясига эришилади (Golyala A., Kwan P., 2017, Noemí Cárdenas-Rodríguez., 2020).

Фармакорезистентликни тўғрилаш мақсадида тутқаноқ билан оғриган беморларнинг рефрактерлигини башоратлаш учун фенотипик белгиларни ажратиб олиш лозим (Авакян Г.Н., 2017., Гафуров Б.Г., Аликулова Н.А., 2018., Рахимбаева Г.С., 2019). Тутқаноқнинг фармакорезистентлик шаклининг фарқ қилувчи жиҳати ҳар қандай, ҳатто турли хил механизмли тутқаноққа қарши воситаларга (ТҚВ) таъсир этмаслигидир (Бурд С.Г., 2018., Peguca E., 2018).

Эпилептик тутқаноқ дефинициясининг этиологик омилларидан бири – мия нейронларининг юқори даражадаги синхронланишига генетик мойиллик таъсир қилиши аниқланган (Malavika Hebbar, Heather C., 2020., Белоусова Э.Д., 2017, Мажидова Е.Н., 2018). Шунингдек, эпилептогенезнинг кўшимча омили бўлиб, 35-38% ҳолатларда учраб турадиган мия пўстлоғининг шикастланиши ёки туғма нуқсонлари ҳисобланади (Ahmadzadeh K.L, 2014). Ушбу омиллар ривожланишнинг кечикиши ва нейронлар дифференциацияси нуқсонларидан ташқари турли хил мия тузилмаларининг дизонтогенези, гипоплазияси ва дисплазияси билан намоён бўлиши мумкин (Корсакова МБ, 2015., К.А. Myers., 2018). Эпилептик энцефалопатияларда метаболик касалликлар, туберкулёзли склероз, ўткир олди энцефалопатиялар, юқорида айтиб ўтилган генетик ҳолат фонида органик мия синдромларининг роли аниқланган (Григорьева А.В., 2020., Oliver Dulac., 2013).

Замонавий адабиётларда марказий асаб тизимининг сигналларини узатишда Р-450 бош мия цитохромининг муҳим аҳамияти исботланган. Р-450 нинг 1000 дан ортиқ изоформ - изоферментлари мавжуд. Тутқаноқ ҳолатида Р-450нинг кўзғалиши нейростероидлар вазифаларини ва миянинг биоэлектрик фаоллигини сусайишига олиб келади, антиконвулсантларга жавобан нейростероидларни, хусусан, андроген ва марказий асаб тизимининг фаолиятини тартибга солувчи муҳим воситачилари ўрганилди (Бурд С.Г., 2018). Бу Р-450нинг нафақат жигарда, балки марказий асаб тизимида дориларнинг фармакологик реакцияси учун муҳим ролини ўйнаши ва антиконвулсантлар метаболизмидаги CYP2C9 ва CYP2C19 цитохром генларининг полиморфизмининг аҳамиятини асослайди (Merve Arici., 2017; Шнайдер Н.А., 2018).

Бундай вазиятда замонавий тутқаноққа қарши воситаларнинг етакчи прогностик биомаркерлари ва фармакогенетикаси асосида тутқаноқнинг фармакорезистентлигини ривожланишини патогенетик тамойиллари, менеджментининг персонификацияси ва терапиясини ўрганиш муҳим амалий аҳамиятга эга.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий-тадқиқот режасига мувофиқ “Касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича янги технологиялар ва усулларни ишлаб чиқиш орқали аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш” ва “Замонавий ТҚВларнинг фармакогенетикасини ўрганиш орқали Ўзбекистонда фармакорезистент тутқаноқни ташхислаш, башоратлаш ва рационал терапиянинг самарали усулларини ишлаб чиқиш” АДСС 28.1 илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади фармакорезистент тутқаноқнинг клиник-нейрофизиологик ва молекуляр-генетик хусусиятларини ўрганиш ҳамда фармакорезистент тутқаноқнинг прогностик биомаркерларини аниқлаш, даволашни оптималлаштириш алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“сохта резистент” кечувчи тутқаноқнинг сабабларини аниқлаш ва энг кўп учрайдиган эпилептик бўлмаган пароксизмларни ажратиб олиш;

тутқаноқнинг прогностик омилларини аниқлаш билан фармакорезистент кечишининг клиник-инструментал ва нейрофизиологик хусусиятларини ўрганиш;

P450 ва MDR цитохромининг баъзи генларини учраш частотасини ўрганишда детекцияга услубий ёндашувни ишлаб чиқиш ҳамда ТҚВ фармакогенетикасига уларнинг таъсирини аниқлаш;

фармакорезистент тутқаноқ билан оғриган беморларда персонализацияланган жавобни шакллантиришда фармакогенетик тадқиқотларнинг роли ва ўрнини аниқлаш;

терапевтик доривор мониторинг ва фармакогенетик тадқиқотлар натижалари асосида ТҚВ терапиясининг етарли бўлмаган самарадорлигини асосий сабабларини аниқлаш;

терапевтик ёндошувларни оптималлаштириш билан фармакорезистент тутқаноқни клиник кечишини ташхислаш ва башоратлаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида турли хил генезли тутқаноқли ва эпилептик бўлмаган пароксизмли 383 нафар беморлар ҳамда анамнезида тутқаноқ ва пароксизмал касалликлари бўлмаган 60 нафар соғлом шахслар олинган.

Тадқиқотнинг предмети фармакогенетик ва фармакокинетик параметрларни ўрганиш мақсадида тутқаноқнинг турли шакллари билан касалланган болаларнинг веноз қони ва қон зардобини намуналари, клиник, нейрофизиологик, невровизуал тадқиқотларнинг натижалари ташкил қилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни бажаришда клиник-неврологик, нейрофизиологик, невровизуал, молекуляр-генетик текшириш усуллари ва натижаларга статистик ишлов берувчи аналитик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор тутқаноқ касаллиги фармокосенситив ва фармокорезистент кечган ўзбек миллатига мансуб донорлар орасида P450 (CYP2C19 *2 ва CYP2C19 *3нинг A/C гени; CYP2C9, CYP3A) цитохром изферментларининг полиморфизм генлари ва P (1236 T/C ва MDR1нинг 3435 T/C гени) гликопротеин транспортёр генлари генотипик вариантларининг учраш частотаси ва популяцион хусусиятлари аниқланган;

илк бор тутқаноқ билан оғриган беморларда ТҚВга бўлган индивидуал фармакологик жавобнинг фармакокинетик ва фармакогенетик параметрлари ўртасидаги корреляцион ўзаро боғлиқлик аниқланган ҳамда “секин” ва “тез” метаболиторларнинг генотиплари дифференцияланган;

бошланғич терапия сифатида иккинчи даражали дориларни қўллаган ҳолда фармакорезистент тутқаноқ билан касалланган беморларни хавф гуруҳлари бўйича персонализацияланган стратификация кетма-кетлиги ишлаб чиқилган;

тутқаноқни фармакорезистент кечишини шаклланишида эпилептогенезнинг патогенетик хусусиятларини белгилаш имконини берувчи, тутқаноқнинг биологик маркерларини (клиник, нейрофизиологик, нейровизуал ва бошқалар) аниқлашда интеграл дифференциал ёндашув такомиллаштириган;

аниқланган фармакорезистентликнинг ташхисий ва эрта прогностик биомаркерлари асосида терапевтик, жарроҳлик ва альтернатив (кетогеник парҳез) даволаниш усуллари учун номзод-беморларни танлаб олиш кетма-кетлиги таклиф қилинган;

тутқаноқ билан оғриган беморлар менежментига персоналлашган ёндашувнинг самарадорлигини оширишга қаратилган тутқаноқнинг фармакорезистент кечишининг оғирлик даражасини, мультифакторлигини баҳоловчи математик модел таклиф қилинган.

Тадқиқотларнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ташхис қўйиш ва даволаш босқичларида фармакорезистент тутқаноқ нотўғри талқин қилинишининг асосий сабаблари аниқланган ҳамда ушбу тоифадаги беморлар ва уларнинг қариндошларини ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида тутқаноқ билан оғриган беморлар учун диагностик ва даволаш чоралари тавсия этилган;

тутқаноқли беморларда хавф гуруҳини аниқлаш имконини берадиган скрининг баҳолаш алгоритми ишлаб чиқилган;

тутқаноқ фармакорезистент кечишини шакллантирувчи прогностик клиник-генетик тамойиллари тадбиқ этилган;

эпилептик синдромларга персоналлашган ёндошув имконини берадиган, фармакорезистент тутқаноқ билан оғриган беморларни даволашнинг терапевтик алгоритмлари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотнинг услубияти ва дизайни амалий соғлиқни сақлаш даражасида бажарилганлиги; тадқиқотнинг ўзи мазкур иш учун қўйилган мақсад, вазифалар ва предметларга мос ҳолда бажарилганлиги, замонавий апробацияланган, коррект тиббий-статистик усуллардан фойдаланганлиги; ишлаб чиқилган алгоритмни

фармакорезистент тутқаноқ билан оғриган беморларда диагностик ва терапевтик ёндошувларни такомиллаштириш амалиётига самарали жорий этилганлиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти эпилептогенезни клиник-нейрофизиологик ва молекуляр-генетик жиҳатларини аниқлаш ва фармакорезистент тутқаноқнинг прогностик биомаркерларини асослаш бўйича назарий билимлар даражасини кенгайтиришга имкон беради, шунингдек очиб берилган патогенетик механизмлар асосида фармакорезистент тутқаноқнинг хавф гуруҳлари ва кечиш оғирлиги бўйича скрининг-баҳолаш математик модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, фармакорезистент тутқаноқнинг персонализацияланган (индивидуал) терапиясида ҳамда жарроҳлик ва альтернатив (кетогеник парҳез) даволаш усулларига беморларни эрта танлашда, бу эса ўз навбатида ТҚВни қўллашдаги (давомийлиги ва юқори дозалари) оғир асоратларнинг олдини олиш имконини беради, шунингдек фармакорезистент тутқаноқ билан оғриган беморларда тутқаноқ хуружларини сезиларли даражада пасайиши ёки йўқотиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Фармакорезистент тутқаноқни даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Тутқаноқни фармакорезистент кечишини ташхислаш алгоритми» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 19 июндаги 8н-д/145-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома фармакорезистент тутқаноқли беморларда клиник-патогенетик таҳлилнинг замонавий ҳолатини яхшилаш имконини берган;

«Тутқаноқда уйқунинг бузилиши. Клиник-диагностик тамойиллари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 19 июндаги 8н-д/145-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома фармакорезистент тутқаноқли беморларда клиник-патогенетик таҳлилнинг замонавий ҳолатини яхшилаш имконини берган;

фармакорезистент тутқаноқ кечиши, шаклланишининг клиник-нейрофизиологик ва молекуляр-генетик жиҳатларини аниқлашга қаратилган тадқиқот тизимли таҳлили бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан 1-сонли шаҳар клиник шифохонасининг неврологик бўлими, Республика «Она ва бола скрининг» маркази, шунингдек, Самарқанд шаҳридаги «INNOVA» кўп тармоқли диагностика клиникасида амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 13 июлдаги 8н-з/78-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий этилиши тутқаноқ ташхисини аниқлаштириш ва тезлаштиришга, дифференцияланган ёндашув ҳисобига

Ўтказиладиган терапия самарадорлигини оширишга, дифференциал ва персонализацияланган терапияни такомиллаштиришга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 14 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 10 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 37 илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, еттита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ҳамда предмети аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон республикаси Фан ва технологиялар тараққиётининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, илмий иш апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг таркиби бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи «**Фармакорезистент тутқаноқнинг замонавий тамойиллари**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи берилган ва сўнгги йилларда тутқаноқ ва унинг фармакорезистент шакли бўйича нашр этилган манбалар акс эттирилган. Ўрганилаётган муаммо юзасидан адабиёт маълумотлари асосида ишланмалар талаб этиладиган баҳсли ва ечими талаб этиладиган саволлар ҳавола этилган.

Диссертациянинг «**Илмий ишнинг умумий тавсифлари ва асосий тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширилаётган беморлар бўйича тавсифи келтирилган. Тадқиқот объекти сифатида 383 нафар тутқаноғи мавжуд ва онгнинг ноэпилептик пароксизмал бузилишлари билан кечадиган беморлар олиниб ташхисот ва даво учун йўналтирилган. Олдимизга қўйилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ, тадқиқотнинг асосий босқичлари аниқланиб олинган. Тутқаноқ ташхиси чуқур анамнестик маълумотларни йиғиш (семиотика ва хуруж эволюцияси), узоқ муддатли ЭЭГ - видеополисомнография, МРТ текшируви асосида қўйилган, клиник ташхисни қўйишда тутқаноқ хуружларининг ICAE 2017 йил таснифи ва кейинчалик 2019 йилдаги пароксизмал ҳодисаларнинг тўрт ўлчовли таснифи таҳлили ёрдамида амалга оширилган, тутқаноқ синдроми ташхиси 320 нафар беморга қўйилган ($83,55 \pm 1,89\%$ ҳолатларда).

1 йил давомидаги кузатувдан сўнг, бизнинг беморларимиз 2 гуруҳга бўлинган. **Асосий гуруҳга** фармакорезистент тутқаноғи мавжуд беморлар киритилган, **иккинчи гуруҳга** эса тутқаноғи мавжуд ва антиэпилептик давога ижобий жавоб берган беморлар киритилган. Беморларнинг жинси ва ёши бўйича тақсимооти 1-жадвалда келтирилган.

Ўз навбатида ҳар бир гуруҳ 2 та кичик гуруҳчаларга бўлинган:

А. Мияда тизимли нуқсон бўлган беморлар.

Б. Мияда тизимли нуқсон бўлмаган беморлар.

Асосий гуруҳга (фармакорезистент кечиш) А - гуруҳчага бош миянинг тузилмавий-органик ўзгаришлари бўлган (мия ичи кисталари, чандиқли-глиоз-кистоз-атрофик шикастланишлар, турли хил МКД лар ва б.) тузилмавий тутқаноғи мавжуд 70 нафар бемор киритилган, МРТ усули орқали аниқланган шу билан бирга **таққослаш гуруҳига (фармакосенситив кечиш) А-гуруҳчага** ўхшаш тавсифларга эга 80 нафар бемор танлаб олинган. Шу билан бирга, **В-гуруҳчага:** мияда структуравий ўзгаришларсиз тутқаноғи мавжуд 80 нафар бемор, **В-гуруҳчага:** шунга ўхшаш кўрсаткичларга эга 90 нафар бемор таққослаш гуруҳига киритилган (2-жадвал).

1-жадвал

Беморларни ёш ва жинс бўйича тақсимооти

Гуруҳлар		I-гуруҳ (n=150)		II-гуруҳ (n=170)	
Жинс		Э	А	Э	А
Беморлар ёши	1-3 ёш	12 (8+2,22%)		15 (8,82+2,18%)	
		(38,9%)	(61,1%)	(48,9%)	(51,1%)
	4-7 ёш	22 (14,67+2,89%)		29 (17,06+2,88%)	
		(52,3%)	(47,7%)	(60,5%)	(39,5%)
	8-12 ёш	50 (33,33+3,85%)		57 (33,53+3,62%)	
		(46,2%)	(53,8%)	(46,8%)	(53,2%)
	13-18 ёш	36 (24+3,49%)		41 (24,12+3,28%)	
		(48%)	(52%)	(50%)	(50%)
	19-25 ёш	21 (14+2,83%)		21 (12,35+2,52%)	
		(43%)	(57%)	(39%)	(61%)
	27-44 ёш	9 (6+1,94%)		7 (4,12+1,52%)	
		(68%)	(32%)	(49%)	(51%)

Текширувлар стационар ва амбулатор шароитда амалга оширилган, барча текширилувчиларда стандарт соматик ва неврологик кўриклар ўтказилган. Беморларни клиник кўриқдан ўтказишда касалликнинг тиббий анамнези батафсил ўрганилиб, сўнгра ишлаб чиқилган индивидуал карта тўлдирилган. Хуружлар оғирлик даражаси NHS3 шкаласи ёрдамида аниқланган (хуружлар оғирлик даражаси бўйича Британия шкаласи, учинчи кўриб чиқиш).

Беморларга видео-электроэнцефалография (ВЭЭГ) 21-каналли «Нейрон-Спектр 4ВПМ» компьютер электроэнцефалографида, дастурий таъминот 1.2 (Нейрософт, Иваново) версиясида амалга оширилган. 2001 йил Халқаро электроэнцефалография ва клиник нейрофизиология Федерацияси

томонидан тавсия этилган 10-20 халқаро узатмалар тизими ишлатилган. ЭЭГ видео полисомнографияси “Энцефалан ЭЭГР-19/26” (“Медиком”, Таганрог) ёрдамида тунги уйқудан қисман маҳрум бўлгандан кейинги уйғониш ва кундузги уйқу ҳолатидаги физиологик сигналларни телеметрик ёки автоном равишда рўйхатдан ўтказилган “АТ-ПСГ-Видео-Поли”, ўтказилган. МРТ текшируви 1,5 Т магнит майдонли GE Signa Execute II магнитли-резонанс томографда (“General Electric Healthcare”, Milwaukee, АҚШ) амалга оширилган.

Қон зардобда ТҚП (тутқаноқга қарши препаратлар) концентрациясини баҳолашнинг асосий усуллари қуйидагилар эди:

- юқори самарадор суюқлик хроматографияси - карбамазепин (КБЗ) учун;
- ион хроматографияси - вальпроат кислотаси учун (ВК).

Лойиҳанинг иккинчи қисмида дори воситалари ва ксенобиотиклар биотрансформациясининг биринчи босқичида иштирок этган P-450 (CYP2C19) цитохромининг изоферментлари (CYP2C19*2 C/T гени ва CYP2C19*3A/C генли полиморфизмларнинг генотип варианты) ҳамда гликопротеинларни ташувчи генларнинг P (1236 T/C ва MDRнинг13435 T/C гени) генетик полиморфизми ўрганилган. Айнан ушбу генлар полиморфизмини ўрганиш, бу ферментлар дори воситаларининг метаболизмида иштирок этиши, шу билан бирга неврологик амалиётда тор терапевтик доирада тез-тез тавсия қилиниши билан асосланган. Генлар полиморфизми икки ўлчамли GeneAmp PCR System 9700 (Applied Bio Systems) асбоби тизими ёрдамида ПЗР стандарт усулида аниқланган.

Клиник материалларни статистик таҳлилида, частотани таҳлил қилишнинг математик статистикаси (%), вариацион статистика (арифметик ўртача (M), стандарт оғиш (σ), стандарт хато (m) ва б.), дисперсион таҳлил қилиш (t -мезон), корреляцион таҳлил (жуфт корреляция коэффиценти r) усуллари ишлатилган. Клиник материални статистик таҳлили “STATISTICA 10.0” амалий дастурининг статистик тўплами ёрдамида амалга оширилган. Диагностик моделнинг тузилиши кўрсаткичларнинг ахбороти асосида амалга оширилган. Модел чизикли алгебра тенгламаси шаклида тузилган.

Беморлар ва назорат гуруҳларидаги аллеллар ва генотипларнинг частоталарини таққослашда χ^2 мезони ишлатилган. 2×2 шартли жадваллар учун жадвалнинг камида битта камерасидаги частота 5 дан кам ёки унга тенг бўлса, узлуксизлик учун Йетс тузатиш χ^2 мезони қўлланилган. Фарқлар $p < 0.05$ да статистик аҳамиятга эга деб ҳисобланган; $0.05 \leq p < 0,1$ фарқда мойиллик сифатида қаралган.

Диссертациянинг **“Фармакорезистент тутқаноқ мавжуд беморларда электро-клиник ва нейровизуал текширувлар натижалари”** деб номланган учинчи бобида 383 нафар беморнинг электро-клиник ва нейровизуал текширувлар натижалари берилган. Видео ЭЭГ мониторинги ва полисомнографияси (ПСГ) ёрдамида беморларни кенг қамровли текшириш дастлабки ташхиснинг тўғрилигини баҳолашга имкон яратган (3-жадвал).

Натижаларимизни таҳлили шунга аҳамият беришимизни кўрсатдики, ташхисни қўйишдаги мураккабликлар, структуравий тутқаноқ ташхиси


($p < 0.04$) кўпайиш тенденцияси кузатилса, 1,7 марта фебрил хуружлар ташхиси тасдиқланмаган ($p < 0.05$). Натижаларимиз таҳлили шуни кўрсатдики, уйқунинг бузилиши бўлган беморларда юқори ишончлилиқ фоизи кузатилган ($p < 0.001$), бу беморларнинг аксариятига тутқаноқ ташхиси қўйилган ва юқори дозаларда тутқаноқга қарши дори воситалари қабул қилишган, шунингдек, дуотерапия ҳам ўтказилган. Психоген ноэпилептик пароксизмлар ҳам эпилептик хуружлар сифатида қабул қилинган ($p < 0.04$), $20 \pm 8,94\%$ ҳолларда эпилептик синдром ва PNES қўшилиб келганлиги кузатилган. Шунингдек, ТҚПларни номувофиқ танлови тутқаноқнинг аниқланмаган шакли бўлган ЁМТ (ёшлар миоклоник тутқаноғи) мавжуд беморларнинг 37,5%да тутқаноқни псевдорезистент кечишига сабаб бўлган, ва бу субъектив сабаблардан бири ҳисобланади. ТҚП даво танлови таҳлилида (хуружлар эволюцияси) 25,8% ҳолатларда ўртача дозага етиб бормасдан, антиконвульсантларни тез-тез алмаштириш ва паст дозаларда (субтерапевтик) $p \leq 0,05$ қўлланилиши аниқланган.

3-Жадвал


Беморларнинг неврологик шифохонага қабул қилингандан олдинги ва кейинги ташхисларини қиёсий баҳолаш.

Беморларнинг шифохонага қабул қилингандан олдинги ташхиси	Беморлар сони %		T	p
	Беморларнинг шифохонага қабул қилингандан кейинги ташхиси			
Идиопатик (генетик) умумлашган тутқаноқ	52	13,58+1,75%	0,43	$p < 0,70$
	48	12,53+1,69%		
Идиопатик (генетик) фокаль тутқаноқ	34	8,88+1,45%	0,61	$p < 0,73$
	39	10,18+1,55%		
Этиологияси номаълум тутқаноқ?	71	18,54+1,99%	2,96	$p < 0,01$
	42	10,97+1,6%		
Тутқаноқли энцефалопатия?	63	16,45+1,89%	1,87	$p < 0,09$
	45	11,75+1,65%		
Структурали фокал тутқаноқ	86	22,45+2,13%	2,31	$p < 0,04$
	114	29,77+2,34%		
Тутқаноқ?	28	7,31+1,33%	2,04	$p < 0,05$
	15	3,92+0,99%		
Фебрил хуружлар	32	8,36+1,41%	2,06	$p < 0,05$
	18	4,7+1,08%		
Психоген тутқаноқли бўлмаган пароксизмлар (PNES)?	8	2,09+0,73%	2,31	$p < 0,04$
	20	5,22+1,14%		
Парасомния - уйқунинг бузилиши?	9	2,35+0,77%	4,85	$p < 0,001$
	42	10,97+1,6%		
Жами	383	100%		

Шундай қилиб, қўлланилган ташхисот алгоритми тутқаноқ билан оғриган беморларнинг 23,4 % да ташхис хато бўлганлигини, ташхиснинг мос келиши эса 21,8% ҳолатни ташкил этган. Ташхис 53,1% ҳолатларда аниқланган. Тескари кўрсаткич тутқаноқ пароксизми бўлмаган беморларда кузатилган - нотўғри ташхис аксарият ҳолларда (61,9%) қўйилган ва беморларнинг 15,8% да тасдиқланган (1-расм).



Расм.1. Неврологик шифохонага юборилган беморлар ташхисининг тўғрилигини баҳолаш.



Расм. 2. Тутқаноқ спазми.

Беморларни электро-клиник текшируви ёрдамида фокусли пешона соҳаси тутқаноғи $42,5 + 5,53\%$ ҳолатларда, тутқаноқнинг ижобий кечиши кузатилган ва асосий беморлар гуруҳида (фармакорезистент) чакка соҳаси тутқаноғи ($48,57 + 5,97\%$) аниқланган. (2-жадвал).

Жадвал 2

Турли гуруҳлардаги тутқаноқ синдромларини қиёсий жиҳатлари.

Тутқаноқ синдромлари	А гуруҳча			В гуруҳча		
	Асосий гуруҳ n=70	Таққослама гуруҳ n=80	t	Асосий гуруҳ n=80	Таққослама гуруҳ n=90	t
Фокал пешона соҳаси тутқаноғи	25 35,71+5,73%	34 42,5+5,53%	0,85	4 5,0+2,44%	9 10,0+3,16%	1,25
Фокаль чакка соҳаси Тутқаноғи	34 48,57+5,97%	28 35,0+5,33%	1,70	8 10,0+3,35%	6 6,67+2,63%	0,78

Бошқа локализацияда жойлашган тутқаноқ	9 12,86+4,0%	15 18,75+4,36%	1,00	2 2,5+1,75%	-	1,43
Тутқаноқ энцефалопатияси	2 2,86+1,99%	3 3,75+2,12%	0,31	26 32,5+5,24%	14 15,56+3,82% *	2,61
Умумлашган идиопатик тутқаноқ	-	-		17 21,25+4,57%	22 24,44+4,53%	0,50
Фокаль тутқаноқлар(генетик)	-	-		12 15,0+3,99%	26 28,89+4,78% *	2,23
Этиологияси номаълум тутқаноқлар	-	-		11 13,75+3,85%	13 14,44+3,71%	0,13

Изоҳ: * - асосий гуруҳга нисбатан t-критериясининг ($p < 0,05$) ишончлилик фарқи даражаси

Бирок, иккала гуруҳни қиёсий жиҳатдан солиштирганда ишончли фарқ аниқланмаган. Асосий гуруҳдаги беморларнинг натижаларини таҳлили (фармакорезистент кечиш) тутқаноқ спазмлари мавжуд беморлар билан таққослаш гуруҳи ўртасида сезиларли фарқни кўрсатган ($p < 0,05$) (2-расм, 2-жадвал).

Ушбу илмий ишдаги тутқаноқ кечишининг семиотикасини таҳлили шуни кўрсатадики, онгни бузилиши билан кечадиган чакка соҳаси хуружлари тутқаноқга қарши давога рефрактер жавоб берувчи беморларда ($p \leq 0,05$) 2 марта тезроқ қайд этилиши аниқланган, аммо онг бузилишисиз кечадиган пешона соҳаси, марказий ва бошқа шаклдаги хуружлари (фармакорезистент кечиш) мавжуд беморларда эса паст тенденция кузатилган ($p \leq 0,05$). Бирок онгнинг йўқотилиши билан кузатиладиган фокаль тутқаноқ хуружларида фармакорезистент кечишда ушбу локализацияларнинг аҳамияти сезиларли эмас. Шундай қилиб, биз чакка соҳа тутқаноғида онгнинг бузилишини, тутқаноқнинг фармакорезистент кечишида муҳим диагностик белгиларидан бири деб тахмин қилишимиз мумкин.


Тутқаноқлар хуружи оғирлик даражасини **NHS3 (The National Hospital Seizure Severity Scale 1996)** шкаласи билан баҳоланган. Ушбу шкала-сўровномасининг максимал бали 27 балдан иборат (4-жадвал).

4-Жадвал

NHS3 шкаласи бўйича беморларда тутқаноқ хуружлари оғирлик даражаси.

	А		В	
	Асосий гуруҳ n=70	Таққослама гуруҳ n=80	Асосий гуруҳ n=80	Таққослама гуруҳ n=90
NHS3	19,3±0,65*	12,2±0,47	21,6±0,7*	11,5±0,41


Изоҳ: * - ($p < 0,05$) ишончлилик фарқ даражаси



Расм. 3. Тутқаноқлараро ритмик ва даврий кўринишлар.

Жадвалдан кўришиб турибдики, тутқаноқни фармакорезистент кечишининг иккала гуруҳчаларида хуружлар оғирлик даражаси сезиларли ошган, аммо миёдаги таркибий нуқсони мавжуд бўлмаган беморларнинг (фармакорезистент тутқаноқ) оғирлик даражаси фармакосенситив кечишга эга беморларга қараганда 1,8 баравар юқори кўрсаткичга эга эканлиги кузатилган ($p < 0,05$).

ЭЭГ эгри чизикларининг морфологияси таҳлили шуни кўрсатдики, тутқаноқлараро разрядлар (IEDs) ритмик, даврий чизиклар (кетма-кет б элементдан кўп) ва битта график элементлар шаклида қайд этилган. Структуравий нуқсони бўлмаган фармакорезистент кечувчи беморларнинг узок муддатли ЭЭГ видеомониторингида хуружлар орасидаги даврда $42,5 \pm 5,55\%$ эпилептик фаолликнинг узлуксиз кўринишлари, кўпроқ “типсаритмия” ($p \leq 0,05$) қайд этилган.



4. расм. Тутқаноқлараро эпилептасимон графоэлементлар (разрядлар).

Тутқаноқлараро эпилептасимон графоэлементлар таҳлилини тутқаноқнинг фармакосенситив кечган гуруҳдаги беморлар билан таққослаганда соатига 10 секундда ≥ 1 шаклидаги индивидуал зарядларни рўйхатга олишнинг юқори фоизи ($p \leq 0,01$) аниқланган.

Шундай қилиб, тутқаноқлараро эпилептасимон фаолликни таҳлил қилиш орқали бу шаклларнинг ва алоҳида графоэлементларнинг фармакорезистент тутқаноғи мавжуд беморларда сезиларли ифодаси белгиланган, бу мезонларни фармакорезистент тутқаноқ кечишини олдиндан прогноз қилиш биомаркерлари сифатида талқин қилиши мумкин ($p \leq 0,01$).

Илмий тадқиқотимизнинг навбатдаги босқичида уйқу тузилишини миқдорий баҳолаш тадқиқ этилган. Назорат гуруҳи сифатида соғлом кўнгиллилар олинган, шу билан бирга, уйқуси бузилган беморлар гуруҳи таҳлил қилинган (сўровномалар асосида ва полисомнография бўйича) таққослашда тутқаноқнинг турли хил кечиши бўлган беморлар олинган. Тутқаноғи мавжуд беморларда ва касалликнинг яхши кечишида уйқунинг сегментар тузилишини таҳлили шуни кўрсатдики, ушбу беморлар маълумотлари бир хил вектор ўзгаришига эга.

Пропилептик II босқич - уйқу сегментлари сонининг кўпайиши кўринишида, назорат гуруҳи (соғломлар) ва уйқунинг бузилиши мавжуд беморларга нисбатан антиэпилептик босқични камайиши (Ds), уларнинг ўртача ва максимал давомийликнинг ошиши ($p < 0,05$) билан кузатилган (жадвал 5).


5-Жадвал

Тутқаноқнинг фармакорезистент ва фармакосенситив кечиши кузатилган беморларда ПСГ бўйича уйқунинг хусусиятлари

Кўрсаткичлар	Уйқу бузилиши n=42	Соғломлар n=30	Асосий гуруҳ n=30	Таққослам а гуруҳ n=30
Самарадорлик индекси %	64,8±5,34	97,07±6,21	70,4±7,52	90,8±8,91
I, % даражанинг кўрсаткичи	9,1±0,84	3,4±0,44	5,7±0,56	4,8±0,51
II, % даражанинг кўрсаткичи	42,1±4,39	39,7±5,28*	51,1±5,97*	31,9±3,71*
Ds, % кўрсаткичи	14,6±1,45	24,4±3,10*	11,9±1,18	17,3±1,79
REM, % кўрсаткичи	13,9±1,577	20,2±3,09	19,1±1,81	17,3±1,90


Изох: * - ($p < 0,05$) даражадаги ишончлик фарқи

Ds сифати бўйича II даражага ўхшаш бўлади. Фармакорезистент тутқаноғи мавжуд беморларда уйқунинг II nREM босқичи (150,3±14,52 минутда) таққослаш гуруҳи билан қиёслаганда ($P \leq 0,05$), уйқу делтаси латент даври ошиши (84,2±9,58 минутда), умумий намоён бўлишининг камайиши кузатилган(5-расм).



5-расм. Полисомнография маълумоти бўйича nREM ва REM-уйқунинг латент даври кўрсатилган.

II босқичи nREM даври ошади ($P \leq 0,05$). Турли хил кечувдаги тутқаноғи мавжуд беморларнинг иккала гуруҳида аниқланган уйқу бузилиши натижаларига бўйича таққослаш жиҳатидан ($p < 0,05$) қуйидаги хулосалар чиқариш мумкин: фармакорезистент тутқаноқнинг оғирлик даражаси, эҳтимол, турли хил уйқу бузилишлари билан боғлиқ бўлиб, биринчи ўринда уйқу апноэси 31,6% ҳолларда, тушида ритмик ҳаракатланиш синдроми 25%, парасомния 23,9% беморларда учраган (6-расм).




6-расм. Тутқаноқнинг турли хил кечишида беморларда уйқунинг бузилиши.

320 нафар беморнинг бош миясида МРТ текшируви ўтказилган. Улардан 150 нафарида бош миянинг таркибий ўзгаришлари аниқланган. Тутқаноқ синдром кечилишининг хусусиятларига қараб, беморлар гуруҳларга бўлинди. Қиёсий жиҳатдан ТКПларга фармакосенситив жавоби бўлган беморларда 52,5 + 5,58% ҳолатларда чандикли-глиоз-кистоз-атрофик ўзгаришлар кузатилган ($p \leq 0,05$). Фармакорезистент тутқаноғи мавжуд

беморларда бош мия структуравий нуқсонининг тарқалганлиги $34.29 + 5.67\%$ ҳолатларда гипокампа склерози билан, пўстлоқ ривожланиши малформацияси $28.57 + 5,4\%$ ҳолатларда учраган ($p \leq 0,05$) (7-расм).

Ишнинг навбатдаги босқичи эпилептоген зарарланиш соҳаси, симптоматик соҳа (тутқаноқ хуружлари семиотикаси), қўзғалиш соҳаси (тутқаноқлараро паттерналар, разрядлар) ва хуружнинг бошланиш соҳаси ўртасидаги корреляцион ўзаро боғлиқликни ўрганиш. Фармакорезистент кечувчи беморларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, чакка соҳаси зарарланишида эпилептоген зона $48,57 + 5.97\%$ ташкил этса, симптоматик зона беморларнинг $44.29 + 5.94\%$ да намоён бўлган ва таққослама гуруҳида сезиларли фарқ хуружнинг бошланиши зонасида ($r=0,43$) ва қўзғалиш зонасида (IEDs) $r=0,47$ ижобий корреляцияга эга. Аммо, тутқаноқлараро паттерналар пешона соҳаси локализацияда нисбатан энг ишончли кўринишга эгадир ($r=0,83$). ЭЭГ эгри чизиғининг визуал таҳлили шуни кўрсатдики, эпилептосимон графоэлементларни қайд қилиш пешона орқа соҳаси электродларида (F3 и F4) жойлашган, бу эса ўз навбатида бош миянинг медиобазал тузилмаларидан, хусусан, мезиал чакка соҳаси тутқаноғидан далолат бериши мумкин. Фармакосенситив тутқаноқнинг кечишида эпилептоген зарарланиш чакка соҳасида $35,0 + 5.33\%$ ташкил этган, пешона соҳаси тузилиш нуқсонлари эса беморларда $42.5 + 5.53\%$ ҳолатларда учраган. Бош миянинг таркибий чакка соҳаси эпилептоген зарарланишини таҳлилида, хуруж бошланиш зонаси ва симптоматик зона ўртасида ўзаро ишончли корреляцион боғлиқлик аниқланмаган.


Диссертациянинг **“Беморларда тутқаноқнинг турли хил шаклларида ўтказилган даво самарадорлигини ва терапевтик дори воситалар мониторинги натижаларини таҳлил қилиш”** деб номланган тўртинчи бобда текширилаётган беморларда тутқаноқнинг турли хил шаклларида тавсия қилинган даво самарадорлиги ўрганилди. Камида бир йил давомида тутқаноққа қарши препаратлар (ТҚП) қабул қилаётган 320 нафар бемор кузатуви остида бўлган.



Расм. 7. Текширилаётган гуруҳдаги бош мияни МРТ натижаларини тавсифи.

ТҚПлардан ижобий самарадорлик аксарият тутқаноқларда монотерапияда 67,3 %ни ташкил этган. Аммо ТҚП танлови ва доза коррекцияси IЛАЕ тавсияларига риоя қилган ҳолда амалга оширилиши керак. Дозани индивидуал белгилаш жинс ва ёш, фармакокинетик ва фармакодинамик кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Фармакогенетик тадқиқотлар учун текшириляётган беморлар гуруҳига 50 нафар тутқаноқнинг фармакосенситив ва 70 нафар фармакорезистент кечувчи беморлар киритилган. Шунингдек, ТҚП лар концентрациясини ўрганиш учун мавжуд усулларни ҳисобга олган ҳолда, текшириляётган гуруҳга IЛАЕ томонидан тавсия этилган дозаларда вальпроат кислота ва карбамазепин қабул қилаётган беморлар киритилган.

9-расмдан кўриниб турибдики, 50 + 7,07% ҳолатларда фармакосенситив кечувчи тутқаноғи мавжуд беморларда карбамазепин ўртача терапевтик дозада бўлган ва вальпроат кислотада бу кўрсаткич 68 + 6,6% ни ташкил этган. Карбамазепин ва вальпроат кислотага субтерапевтик дозани аниқлашда, титрлашни тавсия қилиш мумкин, аммо клиник ва молекуляр-генетик кўрсаткичларни ҳисобга олиш зарур. Шунингдек, қонда ТҚПнинг токсик контцентрацияси 8 + 3.84% беморларда КБЗ га ва (16 + 5.18%) беморларда ВК га кузатилган, бу эса препаратни шошилиш коррекция қилишни талаб қилади. Фармакорезистент кечувчи беморларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, карбамазепинда токсик таъсир 52,8% ҳолатларда ва 38,5% вальпроат кислотасида аниқланган (8-расм).



8-расм. Тутқаноқнинг фармакорезистент ва фармакосенситив кечувчи беморларда КБЗ ва ВКнинг қон плазмасидаги концентрацияси


Олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, фармакорезистент тутқаноқ гуруҳида дориларнинг ножўя таъсири (ДНТ) кўпроқ учраган. Бош оғриғи, 53,33 + 4,07% ҳолатларда, бу фармакосенситив кечишга эга гуруҳга нисбатан 2,5 баравар кўп; резистент кечувчи беморларда тромбоцитопения 3,3 баравар

юқори ($p \leq 0,01$), хуружларнинг қайталаниши $37,33 + 3,95\%$ ҳолатларда, $5.29 + 1$ да фармакосенситив кечувчи гуруҳга нисбатан, беморларнинг 72% ($p \leq 0,01$) кузатилган.

